

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.35/30.12.2019.Isl/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

ТЎРАЕВ НЎЪМОНЖОН НАСИБЖОНОВИЧ

**ИМОМ БУХОРИЙНИНГ «АТ-ТАРИХ АЛ-КАБИР» АСАРИ ҲАДИС
ИЛМИГА ОИД МУҲИМ МАНБА**

24.00.02 – Қуръоншунослик. Ҳадисшунослик

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Content of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
historical sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по историческим наукам**

Тўраев Нуъмонжон Насибжонович

Имом Бухорийнинг “ат-Тарих ал-кабир” асари ҳадис илмига оид
муҳим манба..... 3

Turaev Numonjon Nasibjonovich

Imam Bukhari's “Al-Tarikh al-kabir” as an important source on the science
of hadith..... 25

Тураев Нуъмонжон Насибжонович

Произведение «ат-Тарих ал-кабир» Имама Бухари как важный
источник учения хадисов..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works
Список опубликованных работ 50

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.35/30.12.2019.Isl/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

ТЎРАЕВ НЎЪМОНЖОН НАСИБЖОНОВИЧ

**ИМОМ БУХОРИЙНИНГ “АТ-ТАРИХ АЛ-КАБИР” АСАРИ ҲАДИС
ИЛМИГА ОИД МУҲИМ МАНБА**

24.00.02 – Қуръоншунослик. Ҳадисшунослик

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Tag293 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифаси (www.iiiau.uz) ҳамда "ZiyoNet" ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Уватов Убайдулла Мурадович

тарих фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бекмирзаев Илхомжон Исроилюнович

тарих фанлари доктори (DSc), доцент

Муҳаммадаминнов Саидакбар Абдурашидович

тарих фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.35/30.12.2019.IsI/Tag/F.57.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «14» декабрь соат 15:00 даги БИММ платформасидаги онлайн мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй. Тел.: (99871) 2440056; факс: (99871) 2440065; e-mail: info@iiiau.uz)

Диссертация билан Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (62 рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11- уй. Тел.: (99871) 2440056; факс: (99871) 2440065; e-mail: info@iiiau.uz)

Диссертация автореферати 2020 йил «2» декабрда тарқатилди.
(2020 йил «30» ноябрдаги 9 рақамли реестр баённомаси.)



Ш.А.Ёвқочев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, сиёсий фанлар доктори, профессор

Н.А.Мухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тарих фанлари доктори, доцент

З.М.Исломов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати. Дунё илмий жамоатчилиги Мовароуннахрдан етишиб чиққан муҳаддислар ва уларнинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган хизматларини алоҳида эътироф этади. «Муҳаддислар султони», «мўминларнинг ҳадис илмидаги амири» каби шарафли номларга эга бўлган Имом Бухорий илмий фаолияти, унинг «жарҳ ва таъдил» (الجرح والتعديل – ровийлар ривоятларининг қабул қилиниши ёки рад этилишини ўрганувчи ҳадисшунослик фани тармоғи) ва «илал ал-ҳадис» (علل الحديث – ишончли ровийларнинг ҳадис ривоятидаги хатоларини ўрганадиган илм) борасидаги нозик қарашлари улкан эътиборга сазовор бўлган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида: «Ана шундай буюк алломалардан бири Имом Бухорий ўз аҳамиятига кўра ислом динида Қуръони каримдан кейинги муқаддас китоб ҳисобланган «Саҳиҳи Бухорий»нинг муаллифи сифатида бутун дунёда тан олинган»¹, дея улуғ аллома илмий меросининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Жаҳонда, айниқса, ислом оламида ҳадисшунослик ва унинг ҳадис ровийлари ва ривоятларнинг ишончилилик даражаларини ўрганувчи соҳалари чуқур таҳлил қилиб келинмоқда. Бундай тадқиқотлар Миср, Туркия, Саудия Арабистони, Иордания, Покистон, Англия, Германия ва бошқа кўплаб мамлакатларнинг йирик илмий марказларида тизимли йўлга қўйилган. Ўрта асрлардан буён муҳаддислар учун асосий манба бўлиб келаётган «ат-Тарих ал-кабир» (التاريخ الكبير – Катта тарих) китоби ҳам махсус тадқиқотларга жалб этилган. Бироқ бугунги ахборотлашган жамиятда ушбу масалага кенг қамровли ва етарли даражада аҳамият берилмагани сабабли ҳадисларни нотўғри талқин қилиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда Имом Бухорийнинг илмий-маърифий меросини ўрганишга катта аҳамият берилмоқда. Олиб борилаётган ислохотлар самараси ўлароқ ташкил этилган Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан муҳаддиснинг «Холқу афъолил ибод», «Сулосиётул Бухорий», «Биррул волидайн» ва «ат-Тарих ас-сағир» китоблари ўзбек тилига таржима қилинди ҳамда бир нечта илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда, ҳадис илми борасида баҳс ва тортишувлар, турли ноҳолис ёндашувлар содир бўлиб турган бир пайтда, Имом Бухорийнинг муҳаддислик фаолияти самараси ўлароқ яратилган ҳамда ҳадис ровийларининг ишончли ёки ишончли эмаслигини ажратишда ёрдам берадиган «ат-Тарих ал-кабир» асари эътибордан четда қолмоқда эди. Мазкур асардаги ровий ва ривоятларни саралаш билан боғлиқ услуб ва маълумотларни таҳлил қилиш орқали ҳадис ровийларини ўрганиш, уларни фарқлаш ва умуман, ҳадисларни мукамал тушуниш имконияти пайдо бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрдаги БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. // Халқ сўзи, 2017 йил 20 сентябрь, № 189 (6883).

5416-сон «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 27 мартдаги ПҚ-2855-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 ноябрдаги 896-сон «Ҳадис илми мактаби фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» номли устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Имом Бухорийнинг ҳаёти ва илмий мероси, хусусан, унинг «ат-Тарих ал-кабир» асари Шарқ ва Ғарб тадқиқотчилари томонидан катта қизиқиш билан ўрганиб келинмоқда. Ушбу тадқиқотларга муаллиф замондошлари томонидан асос солинган бўлиб, муҳаддис Ибн Абу Ҳотим (ваф. 327/938 й.)нинг «Баён хатаи Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий фи Тарихи» (بيان خطأ محمد بن إسماعيل البخاري في تاريخه – Муҳаммад ибн Исмоил Бухорийнинг «Тарих»идаги хатонинг баёни) номли китоби шулар жумласидан. Ушбу асарда Ибн Абу Ҳотим Имом Бухорий томонидан ровийларнинг шахсига оид маълумотларни тақдим этишда йўл қўйилган хатоларни аниқлаб, уларни тўғрилайди². «ат-Тарих ал-кабир»ни ёритувчи тадқиқотларни қуйидаги 3 та гуруҳга ажратиш мумкин:

Биринчи гуруҳ асар тўғрисида тавсифий-библиографик маълумот берувчи тадқиқотлардан иборат бўлиб, унга муҳаддислардан Ҳоким Найсобурий, Ибн Ражаб Ҳанбалӣ, Хатиб Бағдодӣ ва Шамсиддин Заҳабӣнинг ҳадис илмига оид китобларини, шарқшунослардан К.Броккельман ва Ф.Сезгиннинг араб адабиёти тарихи ва манбаларига бағишланган асарларини киритиш мумкин. Ғарб тадқиқотчиларидан К.Мелчерт Имом Бухорий ва илк давр ҳадис танқидчилигига бағишланган мақоласида «ат-Тарих ал-кабир»нинг тартиби, унинг муаллифнинг «ат-Тарих

² Абу Зуръа Розий «ат-Тарих ал-кабир»нинг Абулфазл ибн Аббос нусхасини кўздан кечириб, унда хато деб билган ўринларини ўзи учун ёзиб олади. Кейин уни Абу Ҳотимга ўқиб чиқади ва баъзи эътирозларга қўшилиб, баъзиларини рад этади. Қаранг: Ибн Абу Ҳотам, Абдурахмон ибн Муҳаммад ибн Идрис ибн Мунзир Тамимий Ҳанзалий Розий. Китоб баён хатаи Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий фи Тарихи. – Ҳайдаробод: Доира ал-маориф ал-усмония, 1891. – Б. 6.

ал-авсат» (التاريخ الاوسط – Ўрта [ҳажмли] тарих), «аз-Зуафо ас-сағир» (الضعفاء – Заиф ровийлар [ҳақидаги кичик китоб]) ҳамда Аҳмад ибн Ханбалнинг «ал-Илал ва маърифа ар-рижол» (العلل ومعرفة الرجال – Иллатлар ва ровийларни билиш) китоблари билан ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ҳақида муҳим маълумотлар беради³.

Ушбу гуруҳга турк тадқиқотчиларидан Али Ярдим ва Юсуф Зиё Кескиннинг мақолаларини ҳам киритиш мумкин. Жумладан, Али Ярдим асар тўғрисидаги библиографик маълумотларни тақдим этган бўлса, Юсуф Зиё Кескин асар юзасидан билдирилган эътирозларни ўрганиб, уларнинг «ат-Тарих ал-кабир»нинг бугунги кунгача етиб келган қўлёзмаларига мувофиқ келмаслигини аниқлайди. Хулоса сифатида уларни асарнинг аввалги нусхаларига асослангани, Имом Бухорий мавжуд камчилик ва хатоларни тўғрилаб борганини таъкидлайди⁴.

Иккинчи гуруҳга Имом Бухорийнинг ҳадис илмига оид мероси, унинг ровий ва ривоятларни саралаш методини ёритиб беришга қаратилган тадқиқотларни киритиш мумкин. Жумладан, Ғарб тадқиқотчиларидан Ж.Броун ҳадис матни танқиди масаласига бағишланган мақоласида «ат-Тарих ал-кабир»ни «жарҳ ва таъдил»га оид манба сифатида зикр этиб, муҳаддиснинг ҳадис матни танқидига оид методини ёритишда асарда келтирилган ривоятлардан фойдаланади. Шарқ мусулмон олимларидан Муҳаммад Али Қосим Умарий Имом Бухорийнинг «жарҳ ва таъдил»га доир методига тўхталиб, уни ёритишда «ат-Тарих ал-кабир»ни асос қилиб олади. Абдуллоҳ ибн Фавзон эса, Имом Бухорий томонидан «жарҳ» этилган ва Имом Муслим «Саҳиҳ»ида ривояти келтирилган ровийларга бағишланган мақола эълон қилган. Унда «ат-Тарих ал-кабир», «аз-Зуафо ас-сағир» ҳамда Имом Термизийнинг «ал-Илал ал-кабир» (العلل الكبير – Катта иллатлар [китоб])ида Имом Бухорий томонидан «жарҳ» этилган 19 нафар ровий ва уларнинг ривоятлари ўрганилган. Турк тадқиқотчиси Мустафо Тошнинг Имом Бухорий «жарҳ ва таъдил»га оид методини аниқлашга бағишланган китоби ушбу гуруҳга мансуб энг муҳим тадқиқотлардан. Унда «ат-Тарих ал-кабир», «ат-Тарих ал-авсат» ва «аз-Зуафо ас-сағир»да зикр этилган ровийлар ўрганилиб, аллома «жарҳ» ёки «таъдил» қилган ровийларга бошқа муҳаддислар томонидан берилган баҳолар аниқланиб, ўзаро қиёсланган⁵.

³ Ҳоким Найсобирий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ. Ал-Асомий ва ал-куно. – Қоҳира: ал-Форук ал-ҳадисия ли ат-тибоати, 2015. – Ж. 2. – Б. 10; Тожиддин Субкий. Табақот аш-шофия ал-кубро. – Қоҳира: Ҳижр лит-тибоа ва ан-нашр ва ат-тавзи, 2013. – Ж. 2. – Б. 225; Асқалоний, Аҳмад ибн Али ибн Ҳажар. Фатҳ ал-бори шарҳ саҳиҳ ал-Бухорий. – Байрут: Дор ал-маърифа, 2001. – Б. 485; Бағдодий, Аҳмад ибн Али ибн Собит Хатиб. Тарихи Бағдод. – Байрут: Дор ал-ғарб ал-исламий, 2001. – Ж. 2. – Б. 7; Заҳабий, Муҳаммад ибн Аҳмад. Сияр аълом ан-нубало. – Байрут: Муассаса ар-рисола, 2001. – Ж. 12. – Б. 426; Brockelmann, C., & Witkam, J. J. (1996). *Geschichte der arabischen Litteratur (GAL)*. Leiden: E.J. Brill, 1937. – V. 1. – s. 260-265; Сезгин Ф. Тарих ат-турок ал-арабий. – Риёз: Жомиа ал-имом Муҳаммад ибн Сауд ал-исломия, 1991. – Ж. 1. – Б. 256-257; Melchert, Christopher. "Bukhārī and early hadīth criticism." *Journal of the American Oriental Society* (2001): 7-19.

⁴ Ali Yardım, Buhârî ve et-Târîhu'l-kebîr'i, D.E.Ü.İ.F.D., sayı: 5, Izmir 1989; Yusuf Ziya Keskin: Buhârî'nin et-Târîhu'l-kebîr'ine Yönelik Tenkitler, Marife, yıl: 3, sayı: 2, Konya 2003.

⁵ Brown, J. (2008). How We Know Early Hadīth Critics Did Matn Criticism and Why It's So Hard to Find, *Islamic Law and Society*, 15(2), 143-184; el-Omarī Muhammed Ali Kasım. Buhârî'nin Cerh ve Tadil Hakkındaki Metodu, çeviren Necatî Avcı, Büyük Türk - İslâm Bilgini Buhârî (811-569) – Uluslararası Sempozyum-, 18-20

Учинчи гуруҳга «ат-Тарих ал-кабир»да келтирилган ҳадис илмига оид маълумотлар тадқиқига доир изланишларни киритиш мумкин. Муҳаддислардан Саховий ва Абдулҳай Лакнавий асардаги «мункар ал-ҳадис» (منكر الحديث – ровийнинг айбланганини билдиради), «фиҳи назар» (فيه نظر – ровийнинг айбланганини билдиради), «сақату анҳу» (سكتوا عنه – ровийнинг айбланганини билдиради) ибораларининг қўлланиши ҳақида баҳс юритиб, бу борада муҳим хулосаларни берган. Замонавий тадқиқотчилардан Аҳмад Абдуллоҳ Аҳмад «ат-Тарих ал-кабир»да Имом Бухорий «илал ал-ҳадис»га оид қарашларининг акс этиши масаласини ўрганган. Унда манбада ҳадислар «иллат»ини кўрсатиш учун ишлатилган иборалар аниқланиб, уларнинг таҳлили орқали Имом Бухорийнинг ўзига хос услуби ёритиб берилган. Абдурахмон ибн Сулаймон Шойиъ эса асарда «ла ютобау алайҳи» (لا يتابع عليه – унга мувофиқ бошқа ривоят йўқ) деб баҳоланган 125 та ривоятни таҳлил қилиб, муҳаддиснинг методига оид муҳим хулосаларни беради. Муҳаммад Нуъмон китобдаги ровийлар «жарҳ ва таъдил»и ҳамда «илм ар-рувот» (علم الرواة – ровийлар илми)га оид методологияси ҳақида маълумот беради. Абдулҳизр Жосим Ҳаммодий ундаги ҳарбий юришлар тўғрисида келтирилган ривоятларни таҳлил қилган бўлса, Заффор Қаҳтон Абдусаттор Али «ат-Тарих ал-кабир»да келтирилган ровийларнинг касбларига оид маълумотларни таҳлил қилиб, Имом Бухорий яшаган даврда 95 та касб мавжуд бўлган, деган хулосани беради. Абдулқодир Мустафо Муҳаммадий асарда «фиҳи назар» атамаси билан «жарҳ» қилинган ровийларни аниқлаб, бошқа муҳаддисларнинг уларга берган баҳолари билан қиёслаш орқали Имом Бухорий методини очиб беришга ҳаракат қилган бўлса, Роид Юсуф Жаҳҳод «ятакалламуна фиҳи» ибораси билан «жарҳ» этилган ровийларга тўхталади. Авотий Фотима Заҳро асарда ривоятлар иллатини кўрсатиш учун ишлатилган атама ва ибораларни аниқлаб, уларнинг ҳар бири билан боғлиқ мисолларни таҳлил қилади. Саҳвануддин Абдул Ҳасиб ўз мақоласида Имом Бухорийнинг ровийлар ва ҳадислар ихтилофини ҳал этишга доир методологиясини очиб беришга ҳаракат қилади. Яҳё Ҳусайн Аҳмаднинг «ат-Тарих ал-кабир», «ал-Жарҳ ва ат-таъдил» ва «ас-Сиқот» (الثقاة – ишончли ровийлар тўғрисидаги китоб) асарларида ровийларни «таъдил» қилишга оид муаллифлар методлари ҳақидаги мақоласида ҳам Имом Бухорий методологияси тўғрисида қимматли маълумотлар берилган⁶.

Naziran 1987, 1996, s. 171-178; Фавзон, Абдуллоҳ ибн Фавзон ибн Солиҳ. ар-Рувот аллазийна жарраҳаҳум ал-Имом ал-Бухорий ва инфарада ал-Имом Муслим бил-ихрожи лаҳум// Мажалла илмия фасийла муҳкама. – Мадина: Жомиа ал-Имом Муҳаммад ибн Сауд ал-исломия, 2012. - № 23. – Б. 13-78; Таъ, Mustafa. "Buhārī'nin Serh-Ta'dil Metodu". Reserп Таууир Erdođan Üniversitesi İlahiyat Fakültesi Dergisi 6.12 (2016): 393-395.

⁶ Саховий, Муҳаммад ибн Абдурахмон. Фатҳ ал-муғис би-шарҳи алфия ал-ҳадис лил-Ироқий. – Қоҳира: Мактаба ас-сунна, 2003. – Ж. 2. – Б. 126-128; Абдулҳай Лакнавий, Абулҳасанот Муҳаммад. Ар-Рофъу ва ат-такмил фи ал-жарҳ ва ат-таъдил. – Ҳалаб: Матба ал-матбуот ал-исломия, 1987. – Б. 208, 388; Аҳмад Абдуллоҳ Аҳмад. Манҳаж ал-Имом ал-Бухорий фи ат-таъдил мин хилол китобиҳ ат-Тарих ал-кабир. – Иордания: Жомиа Ярмук, 2005. – 444 б.; Абдурахмон ибн Сулаймон Шойиъ. Ал-Аҳодис аллатий қола фиҳо ал-Имом ал-Бухорий “ла ютобау алайҳ” фи ат-Тарих ал-кабир. – Макка: Жомиа умм ал-қуро, 2001. – 447 б.; Muhammad Noman, Dr. Muhammad Ikramullah, & Dr. Junaid Akbar. (January 01, 2019). تاريخ كبير ميں امام بخارى كا. رواة پر تنقيد كے اسلوب كاجائزہ. Journal of Islamic and Religious Studies, 4, 2, 103-118; Абдулҳизр Жосим Ҳаммодий. Ал-Мағозий фи ат-Тарих ал-кабир лил-Бухорий: диросатан фи ал-манҳаж вал-иснод ал-қисм ас-соний// Ал-Қодисия лил-улум ал-инсония. – Бағдод, 2007. – № 3-4. – Ж. 10. – Б. 247-264; Заффор Қаҳтон Абдусаттор

Ўзбекистонда амалга оширилган тадқиқотларни биринчи гуруҳга қўшиш мумкин. Жумладан, У.Уватов, Б.Эшонжонов, Р.Обидов, Д.Раҳимжонов, Д.Муратов, М.Алимова, А.Зоҳидий, Ш.Камалиддинов, Н.Мирмаҳмуд, Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, Ж.Ҳамроқулов, Ш.Умаров, Н.Одилов каби олим ва тадқиқотчилар Имом Бухорийнинг ҳадис илмига оид асарлари қаторида «ат-Тарих ал-кабир» ҳақида ҳам маълумот берган⁷. Бироқ муҳаддиснинг «ат-Тарих ал-кабир» асари махсус ўрганилмай келмоқда. Мазкур диссертация орқали Имом Бухорий маънавий меросини ўрганиш борасида амалга оширилаётган тадқиқотлар «ат-Тарих ал-кабир»нинг ҳадис илмига оид манбалар орасида тутган ўрни ҳақидаги илмий иш билан тўлдирилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг 2019-2025 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Исломшунослик соҳасини такомиллаштириш чора-тадбирлари дастури» банди доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Имом Бухорийнинг «ат-Тарих ал-кабир» асари ҳадис илмида ровийлар ва ривоятларни ўрганиш бўйича муҳим манба эканини очиб беришдан иборат.

Али. Ал-Миҳан ал-хурра инда ал-Бухорий фи китобиҳи ат-Тарих ал-кабир: диросатан фи аҳамиятиҳо ал-иктисодия //Мажалла ат-турос ал-илмий ал-арабий. – Бағдод, 2016. - № 1. – Ж. 1. – Б. 57-108; Абдулқодир Мустафо Муҳаммадий. Ман қола фиҳи ал-Бухорий “фиҳи назар” ва ақвол аймма ал-жарҳ ва ат-таъдил: диросатан татбиқиятан фи китобиҳи ат-Тарих ал-кабир // Мажалла ал-жомиа ал-Ирокия. – Бағдод, 2010. - № 1. – Ж. 42. – Б. 38-120; Ройд Юсуф Жаҳҳод. Мусталаҳ “ятакалламуна фиҳи” инда ал-Бухорий фи Тарихиҳи ал-кабир диросатан мувозанатан // Мажалла ал-жомиа ал-Ирокия. – Бағдод, 2014. - № 3. – Ж. 23. – Б. 1-50; Авотий Фотима Заҳро. Манҳаж ал-Имом ал-Бухорий фи таълил ал-аҳодис ва тасҳиҳиҳа мин хилол китобиҳи ат-Тарих ал-кабир: ислом фанлари бўйича PhD дис. автореф. – Патна: Ҳож Лахдор университети, 2009; Nasib, Sahwanuddin Abdul. “Metodologi Imam al-Bukhari dalam menentukan cacat sebuah hadis pada kitab at-tarikh al-kabir jilid II.” at-Taḥdis: Journal of Hadith Studies 1, no. 1 (May 31, 2017); Яхё Ҳусайн Аҳмад. Манҳаж ат-тавсиқ фи китоб ат-Тарих ал-кабир лил-Имом ал-Бухорий т (256 х) ва ал-Жарҳ ва ат-таъдил ли Ибн Аби Ҳотим т. (317 х) ва ас-Сикот ли Ибн Ҳиббон ал-Бустий т(354 х) // Мажалла куллия ал-улум ал-исломия. – Мусил, 2011. - № 6. – Ж. 5. – Б. 31-59.

⁷ Уватов У. Буюк муҳаддислар: Имом ал-Бухорий, Имом Муслим, Имом ат-Термизий. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 1998. – 63 б.; Имом ал-Бухорий ҳаёти. – Т.: Шарқ, 1998. – 90 б.; Мустақиллик ва Имом ал-Бухорий // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – Тошкент, 2010. № 3. – Б. 163-166; Эшонжонов Б. IX аср Мовароуннаҳр маданий ҳаётида Имом ал-Бухорийнинг мавқеи ва унинг “ал-Жоми’ ас-саҳиҳ” асаридаги фикхий масалалар. Номзодлик диссертацияси. – Т.: ТИУ, 2001. – 175 б.; Обидов Р. Суннат, ҳадис ва муҳаддислар. – Т.: Мовароуннаҳр, 2012. – 460 б.; Раҳимжонов Д. Имом ал-Бухорий ва Мовароуннаҳр ҳадис мактаблари // Шарқшунослик. – Т.: Фан, 1999. – № 9.– Б. 44-48; Муратов Д. IX-X асрларда Мовароуннаҳрда ҳадис илмининг ривожланиши // Дунёвийлик ва динийлик ёшлар нигоҳида. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Тошкент, 5 декабрь 2010 йил. – Т.: Тошкент ислом университети, 2010. – Б. 180-183; Алимова М. IX асрда Мовароуннаҳрда ҳадис илмининг ривожи // Диншуносликнинг долзарб муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: ТИУ, 2010. – Б. 180-183; А.Зоҳидий. Имом ал-Бухорий ҳадис илмида тарихий-танқидий усул асосчиси // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, № 12. Тошкент, 1998. – Б. 20-22; Камалиддинов Ш.С. Становление и развитие хадисоведения в Центральной Азии // Свет из глубины веков. Имам ал-Бухари. Ташкент: Шарқ, 1998. С. 32 – 39, К биографии имама ал-Бухари // ОНУ, 2004, № 2-3. - С. 68 – 74; Н.Мирмаҳмуд. Имом ал-Бухорий ва ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ // Шарқ юлдузи, № 4. Тошкент, 1998. – Б. 42-49; Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Мусталаҳул ҳадис. – Т.: Шарқ, 2011; Умаров, Ш. Х. "Великие учёные и мухаддисы Центральной Азии." Science and World (2013): 162; Ҳамроқулов Ж. Ҳадис илми истилоҳлари. – Т.: Мовароуннаҳр, 2014. – 172 б; Н.Маҳмудов. Имом Бухорийнинг ноёб асари // Ҳидоят, № 4. Тошкент, 2007. – Б. 29.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

ҳадисларни саралашда «жарҳ ва таъдил», «илал ал-ҳадис» соҳаларини тадқиқ этишнинг аҳамиятини аниқлаш;

Имом Бухорийнинг «ат-Тарих ал-кабир»да ровий ва ривоятларни тартибланиш методини ёритиб бериш;

«ат-Тарих ал-кабир»га асос манбаларни аниқлаш;

«ат-Тарих ал-кабир»да «жарҳ» қилинган ровийларни тавсифлаш;

Имом Бухорийнинг ровийлар «таъдил»ига оид услубининг ўзига хос жиҳатларини очиб бериш;

«ат-Тарих ал-кабир»даги «иттисол ас-санад»га оид усулларни илмий асослаб бериш;

ҳадислар иллатини белгилашда «тафарруд ар-ровий»нинг ўрнини очиб бериш;

Имом Бухорийнинг «мушкил ал-ҳадис»га доир ёндашувини аниқлаш ва улардан унумли фойдаланиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Имом Бухорийнинг «ат-Тарих ал-кабир» асари олинган.

Тадқиқотнинг предмети «ат-Тарих ал-кабир» асаридаги ҳадис ровийларининг «жарҳ ва таъдил» қилиниши ҳамда «илал ал-ҳадис»га доир маълумотлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда комплекс ёндашув, илмий билишнинг диалектик, тарихийлик, мантиқийлик, анализ, синтез ва қиёсий таҳлил каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

«ат-Тарих ал-кабир»да ровийнинг шахси, устоз ва шогирдлари, умрида ёлғон сўзламагани, хотирасининг мустаҳкамлиги, яшаш даври ва жойлари каби ишончликни белгилаш учун зарур бўлган асосий тамойиллар жамлангани сабабли мазкур китоб «жарҳ ва таъдил» ҳамда «илал ал-ҳадис»га доир манба экани далилланган;

«ат-Тарих ал-кабир» ровийларнинг ишончилигини белгилашда муҳим манба саналгани боис Имом Бухорийнинг машҳур «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» асари муҳаддислар томонидан саҳиҳ тўплам сифатида алоҳида эътироф этилишига сабаб бўлгани исботланган;

Имом Бухорий 13 хил «жарҳ» ва 8 хил «таъдил»га тааллуқли атамалардан жами 600 ўринда фойдаланган бўлиб, 107 нафар ровийни ишончли, 493 нафарини заиф деб ажратгани ҳамда асарда «жарҳ» ёки «таъдил» баҳоси берилмаган 13 мингдан зиёд ровийларнинг ҳукми эса, умумий тарзда «ишончли» деб қабул қилингани очиб берилган;

Имом Термизий ўзининг «ас-Сунан»ида ровий ва ривоятларни саралаш, уларнинг саҳиҳ ёки заифлигини белгилашда «ат-Тарих ал-кабир»ни асос қилиб олгани ҳамда Имом Бухорийнинг «жарҳ ва таъдил»га доир методларини ёритиб бергани 38 та ривоятнинг чуқур тадқиқи натижасида аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ҳадис илмининг ровий ва ривоятларни саралаш билан боғлиқ «жарҳ ва

таъдил» ҳамда «илал ал-ҳадис» соҳаларининг пайдо бўлиши ва ривожда муҳаддисларнинг турли диний-сиёсий тусдаги гуруҳларга илмий раддиялар бериш билан боғлиқ фаолияти асос бўлгани ёритилган;

«ат-Тарих ал-кабир» асари Имом Бухорийнинг ровий ва ривоятларни ўрганиш билан боғлиқ тадқиқотлари натижасида ёзилгани ҳамда муҳаддисларнинг ҳадисларни саралаш ҳамда саҳиҳлигини белгилашига бевосита таъсир этгани очиб берилган;

«ат-Тарих ал-кабир» 13593 нафар ровий тўғрисида муҳим маълумотларни ўзида қамраб олгани сабабли мазкур туркумдаги бир қатор асарларга, жумладан, Имом Муслимнинг «ал-Куно ва ал-асмо»си, Ибн Абу Ҳотимнинг «ал-Жарҳ ва ат-таъдил», «ал-Илал»и ҳамда Имом Термизийнинг «ал-Илал ал-кабир», «ал-Илал ас-сағир»ига асос бўлгани ёритилган;

муҳаддиснинг ҳадисларни саралаш ва ривоятлар ўртасидаги ихтилофларни бартараф этиш борасидаги услублари аниқланиб, улардан ҳадисларни нотўғри тушуниш ва талқин этишнинг олдини олишнинг маърифий асосларини ишлаб чиқишга доир амалий таклиф ва тавсиялар тақдим этиш мумкинлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги методологик базанинг яратилгани, Шарқ ва Ғарб исломшунослик мактабларида шаклланган қатор илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилганлиги, илмий хулосаларни илгари суришда Имом Бухорийнинг «ат-Тарих ал-кабир», «ат-Тарих ал-авсат», «аз-Зуафо ас-сағир», Ибн Абу Ҳотимнинг «ал-Жарҳ ва ат-таъдил», Имом Термизийнинг «ал-Илал ал-кабир» асарлари, шунингдек, «сиҳоҳи ситта»⁸ тўпламлари каби бирламчи манбаларга таянилганлиги, далиллар воситасида асосланганлиги билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти унда баён қилинган илмий-назарий хулосалар ҳадис илми ва ҳадис тўпламларини ўрганишга оид дарсликлар, маъруза матнлари яратишда манба бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий ва ўрта махсус диний билим юртларида ўқитиладиган «Ҳадисшунослик», «Ҳадис истилоҳлари», «Ҳадис ровийлари, жарҳ ва таъдил илми», «Иснодлар таҳлили ва таҳриж илми» каби фанлар мазмунини янги назарий ишланмалар билан бойитиш, соҳага оид факультатив дарслар, семинар машғулотлари ва махсус курсларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Имом Бухорийнинг «ат-Тарих ал-кабир» асари ҳадис илмига оид муҳим манба эканлиги бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

«ат-Тарих ал-кабир»да ровийнинг шахси, устоз ва шогирдлари, умрида ёлғон сўзламагани, хотирасининг мустаҳкамлиги, яшаш даври ва жойлари

⁸ Имом Бухорийнинг «ал-Жомъ ас-саҳиҳ»и, Имом Муслимнинг «Саҳиҳ»и, Абу Довуднинг «Сунан»и, Имом Термизийнинг «Сунан»и, Насойининг «ас-Сунан ас-суғро»си, Ибн Можанинг «Сунан»и назарда тутилади. Қаранг: Саййид Абдулмажид Ғаврий. Мавсуа улум ал-ҳадис ва фунунух. – Дамашк: Дор Ибн Касир, 2007. - Ж. 2. – Б. 294.

каби ишонччиликни белгилаш учун зарур бўлган асосий тамойиллар жамлангани сабабли мазкур китоб «жарҳ ва таъдил» ҳамда «илал ал-ҳадис»га доир манба экани тўғрисидаги илмий хулосалардан Ўзбекистон халқаро ислом академиясида ўқитиладиган «Ҳадисшунослик» номли ўқув қўлланмани тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2020 йил 22 сентябрдаги 4797-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу илмий хулосаларнинг қўлланиши кенг жамоатчилик, хусусан, ёшларда «ат-Тарих ал-кабир» асари Имом Бухорийнинг ҳадис илмига оид қарашларини ўрганишдаги асосий манба экани тўғрисидаги тасаввур ва кўникмаларни шакллантирган;

«ат-Тарих ал-кабир» ровийларнинг ишончилигини белгилашда муҳим манба саналгани боис Имом Бухорийнинг машҳур «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» асари муҳаддислар томонидан саҳиҳ тўплам сифатида алоҳида эътироф этилишига сабаб бўлгани тўғрисидаги илмий хулосалардан Ўзбекистон халқаро ислом академиясида «Исломшунослик» таълим йўналиши талабалари учун тайёрланган «Ҳадис истилоҳлари» номли ўқув қўлланмаси мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 октябрдаги 522-147-сон буйруғи). Натижада, талабаларда Имом Бухорийнинг «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» асаридаги ҳадислар ишончилиги «ат-Тарих ал-кабир» билан асослаб берилгани, ушбу икки манба бир вақтда ёзилгани тўғрисидаги тасаввурларнинг кенгайишига хизмат қилган;

Имом Термизий ўзининг «ас-Сунан»ида ровий ва ривоятларни саралаш, уларнинг саҳиҳ ёки заифлигини белгилашда «ат-Тарих ал-кабир»ни асос қилиб олгани ҳамда Имом Бухорийнинг «жарҳ ва таъдил»га доир методларини ёритиб бергани билан боғлиқ илмий хулосалар Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан буюртма асосида тайёрланган «Буюк юрт алломалари» номли китоб мазмунига сингдирилган (Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2020 йил 18 ноябрдаги 03-26/22-сон маълумотномаси). Натижада, кенг жамоатчилиكنинг Имом Бухорий ва Имом Термизий орасидаги устоз-шогирдлик алоқалари, уларнинг ҳадис илми ривожидида тутган ўрни ҳақидаги билимларини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этган;

Имом Бухорий 13 хил «жарҳ» ва 8 хил «таъдил»га тааллуқли атамалардан жами 600 ўринда фойдаланган бўлиб, 107 нафар ровийни ишонччи, 493 нафарини эса заиф деб ажратгани ҳамда асарда «жарҳ» ёки «таъдил» баҳоси берилмаган 13 мингдан зиёд ровийларнинг ҳукми эса умумий тарзда «ишонччи» деб қабул қилинганига доир илмий хулосалар Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази буюртмаси асосида тайёрланган «Ўрта аср Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий-фалсафий мероси» номли китоб мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2020 йил 5 ноябрдаги 02/343-сон маълумотномаси). Натижада, Имом Бухорийнинг ҳадис илмига доир

методларини ўрганишда, уларни тўғри талқин этиш ва кенг жамоатчиликка етказишда, шунингдек, ҳадисларни нотўғри талқин этиш билан боғлиқ ихтилофлар олдини олишда муҳим аҳамият касб этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича 15 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, шундан, 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 146 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, ўрганиш объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ҳадис илмида ровий ва ривоятларни ўрганишнинг илмий-назарий масалалари**» деб номланган биринчи бобида «жарҳ ва таъдил» ҳамда «илал ал-ҳадис»нинг пайдо бўлиши ва ривожи, уларни тадқиқ этишнинг аҳамияти ўрганилиб, «ат-Тарих ал-кабир»даги ҳадис ровийлари ва ривоятларнинг тартибланишига оид метод, китобга асос бўлган манбалар илмий тавсифланган. Жумладан, ҳадисларнинг ишончлилигини белгилашда унинг таркибий қисми бўлган иснод муҳим роль ўйнайди. Зеро, у ҳадиснинг Пайғамбар (с.а.в.)га етиб бориш йўли ҳақидаги хабар бўлиб, исноддаги ровийларнинг шахсий сифатлари даражасига мувофиқ ҳадиснинг шаръий ҳукм учун асос бўла олиши белгиланади.

Ҳадис илмида исноддаги ровийларнинг шахсий ижобий ва салбий сифатларини ўрганувчи «жарҳ ва таъдил» ҳамда ишончли ровийларнинг ривоятдаги хатоларини аниқлаш билан шуғулланувчи «илал ал-ҳадис» соҳаларининг аҳамияти катта. Ушбу икки илм ривоятларни таҳлил қилиш ва улар орасидан ишончлиларини ажратиб олишда асосий восита ҳисобланади.

«Жарҳ» (جرح) сўзи луғатда бирор кишини «яралаш», унга «таъна қилиш» каби маъноларни англатади. Ҳадис илмида эса, ровий ёки гувоҳга унинг ривояти ҳамда кўрсатмаси эътиборга олинмаслиги, унга амал қилинмаслигига сабаб бўлувчи шахсий салбий сифатларнинг нисбат берилишига айтилади. «Таъдил» (تعديل) эса, «аддала» сўзидан олинган бўлиб,

«адолатли деб айтиш», кишининг ёлғончи эмаслигини таъкидлаш маъносини англатади⁹. Ҳадис атамаси сифатида «жарҳ»нинг антоними ҳисобланиб, ровий ёки гувоҳнинг шахсий ижобий сифатлар эгаси эканини таъкидлаш учун ишлатилади. «Жарҳ ва таъдил» ҳадис илмининг тармоғи сифатида махсус мезон ва қоидалар асосида ровийларнинг ишончилигини баҳолаш билан шуғулланади.

«Илал ал-ҳадис» «жарҳ ва таъдил» мезонлари асосида ишончли деб баҳоланган ровийларнинг ҳадис айтиб беришда йўл қўйган хатолари ўрганиладиган фан тармоғи ҳисобланади. Бу борада муҳаддис Ҳоким Найсобурий алоҳида тўхталиб, шундай дейди: «Ҳадислар «жарҳ» учун ўрин бўлмаган жиҳатлар билан «иллатли» деб ҳисобланади. Чунки «жарҳ» этилган кишиларнинг ҳадиси эътибордан четда қолади. Ҳадиснинг «иллати» (ҳадиснинг саҳиҳлигига путур етказувчи яширин сабаб) эса, ишончли кишиларнинг ривоятларида кўп учрайди...»¹⁰. Ушбу таърифдан ҳадислар «иллатли» деб ҳисобланиши учун зоҳирда ишончли кўриниши, яъни ишончли ровийлардан ривоят қилинган бўлиши ҳамда мавжуд «иллат»нинг ҳадисни заиф даражасига тушуриши лозимлиги англашилади.

«Жарҳ ва таъдил»нинг пайдо бўлиши Муҳаммад ибн Сири (ваф. 111/728 й.)нинг «Авваллари ҳадис исноди ҳақида сўралмас эди. Фитна рўй бергандан сўнг ровийингизнинг кимлигини айтинг, дейишар, агар ровий аҳли суннадан бўлса ривоятни қабул қилишар, аҳли бидъатнинг ривоятини олишмас эди»¹¹ - деган ривоятидаги «фитна»га боғланади. Имом Муслимнинг «Саҳиҳ»и муқаддимасидаги Абдуллоҳ ибн Аббос (ваф. 68/687 й.) иснодсиз ҳадисни қабул қилмагани ҳақидаги ривоят¹² ҳамда ушбу саҳобийнинг вафоти эътиборга олинса, «фитна»дан Усмон ибн Аффоннинг ўлдирилишига сабаб бўлган воқеалар назарда тутилган, деган хулосага келиш мумкин.

«Илал ал-ҳадис»нинг асослари ҳам саҳобийлар даврига тааллуқли бўлиб, бу борада Оиша бинт Абу Бакрнинг Абдуллоҳ ибн Умардан қилинган ривоятни Куръон ояти мазмуни ҳамда Пайғамбар (с.а.в.)дан эшитган ҳадисига мувофиқ бўлмагани сабабли рад этгани қайд қилинади¹³. Ушбу ривоятда «илал ал-ҳадис»ни «жарҳ ва таъдил»дан ажратиб турувчи энг муҳим қоида, яъни «иллат» ишончли кишиларнинг ривоятларида учрашига асос мавжуд.

II аср боши/VIII аср I чорагигача бўлган катта тобейлар даврида «жарҳ ва таъдил» ҳамда «илал ал-ҳадис» ҳадис илмининг бошқа соҳаларидан

⁹ Қаранг Саййид Абдулмажид Ғаврий. Мавсуа улум ал-ҳадис ва фунунух. – Дамашқ: Дор Ибн Касир, 2007. – Ж. 1. – Б. 595-596.

¹⁰ Ибн Ражаб, Зайниддин Абдурраҳмон ибн Аҳмад. Шарҳ Илал ат-Термизий. – Зарко: Мактаба ал-манор, 1987. – Ж. 2. – Б. 894.

¹¹ Абу Закарийё Муҳйиддин ан-Нававий. Ал-Минҳаж шарҳи Саҳиҳ Муслим ибн ал-Ҳажжож. – Байрут: Дор ат-турос ал-арабий, 1972. – Ж. 1. – Б. 84.

¹² Муслим Ибн Ҳажжож Абулҳасан Қушайрий Найсобурий. Саҳиҳ. – Байрут: Дор ихё ат-турос ал-арабий. – Ж. 1. – Б. 10.

¹³ Қаранг: Шофеий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Идрис. Ихтилоф ал-ҳадис. – Байрут: Дор ал-маърифат, 1990 // Китоаб ал-ум. – Ж. 8. – Б. 648-649.

ажралиб чикди. Ровийларни ўрганишда уларнинг «забт»и (хотираси мустаҳкамлиги), «адолат»и (ростгўй, тақводор бўлиши, бидъатчи эмаслиги), ўз ривоятининг маъносини англай олиши ҳамда ривоятлардаги хатолари ҳам махсус ўрганила бошлади¹⁴. Ровий «адолат»ига далолат қилувчи «сиқа» (ишончли) ва «содук» (ростгўй), «забт» даражаси ҳақида маълумот берувчи «туърофу ва тункару» (баъзан маъруф, яъни билган, баъзан эса мункар, яъни билмаган ҳадисларини ривоят этади), «ваҳама» (адашди, хато қилди) каби атама ва иборалар ҳам қўлланила бошлади¹⁵.

II аср ўрталари/VIII аср IV чораги ҳадис илмининг бошқа соҳалари каби «жарҳ ва таъдил» ҳамда «илал ал-ҳадис»нинг ҳам янги, юксак босқичга кўтарилиши билан кечди. Дастлаб, Мадина ҳамда Ироқнинг Куфа ва Басра шаҳарларида пайдо бўлган ушбу илмлар, таба тобейлар даврига келиб, ислом оламининг барча йирик шаҳарларига ёйилди. Иснодни ўрганиб, ровийларнинг ҳолларини баён этиш ҳамда ривоятлардаги иллатларни аниқлаш билан шуғулланувчи муҳаддислар етишиб чикди. Уларнинг илмий фаолияти натижасида ровийларни ўрганишда қўлланилиб келинаётган мезонларга янгилари қўшилди. Шувба ибн Ҳажжож (ваф. 160/777 й.), Яҳё Қаттон (ваф. 245/851 й.) ва Яҳё ибн Маин (ваф. 233/847 й.) ушбу даврда фаолият олиб борган энг машҳур муҳаддислардан ҳисобланади¹⁶.

Имом Бухорийнинг ровийлар ва ривоятларни ўрганишга бағишланган «тарих»¹⁷ деб номланган уч асари маълум бўлиб, улар «катта», «ўртача» ва «кичик» тарихлар сифатида номланган «ат-Тарих ал-кабир», «ат-Тарих ал-авсат» ва «ат-Тарих ас-сағир» китобларидир. Ушбу асарлар ровийларнинг шахсий ижобий ва салбий сифатларини ўрганишга доир манбалар қаторига кириб, ҳажм ва тартибланишда бир-биридан фарқланади. «ат-Тарих ал-кабир»да ровийлар исмларининг бош ҳарфлари эътиборидан тартибланган бўлса, қолган икки асарда улар вафот этган саналари хронологияси кетма-кетлиги асосида тартибланган.

«Ат-Тарих ал-кабир» Имом Муслим, Ибн Абу Ҳотим ва Имом Термизий каби муҳаддисларнинг «илм ар-рувот», «жарҳ ва таъдил» ҳамда «илал ал-ҳадис» борасидаги қарашларига бевосита таъсир этиб, уларнинг ҳадис илмига доир асарлари учун асос манба бўлиб хизмат қилгани билан аҳамиятлидир.

Имом Бухорий ровийларни исмлари бош ҳарфининг араб алифбосидаги ўрнига мувофиқ ААА, ААБ, ААС, АБА, АББ, АБС, АСА, АСБ, АСС тарзида

¹⁴ Қаранг: Ибн Адий, Абу Аҳмад Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ Журжоний. ал-Комил фи зуафо ар-рижол. – Байрут: Дор ал-фикр, 1984. – Ж. 1. – Б. 53; Ибн Руслон, Шихобиддин Аҳмад ибн Хусайн ибн Ҳасан Рамлий. Шарҳ суанан Аби Довуд ли Ибн Руслон. – Файюм: Дор ал-фаллоҳ ли ал-баҳс ал-илмий ва таҳқиқ ат-турос, 2016. – Ж. 8. – Б. 437-440.

¹⁵ Қаранг: Ибн Абу Ҳотим. Ал-Жарҳ ват-таъдил. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1953. – Ж. 2. – Б. 29; Turhan, Ricâl Tenkidinin Doğuşu ve Gelişimi, – Б. 95-104; Ибн Адий, Абу Аҳмад Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ Журжоний. ал-Комил фи зуафо ар-рижол. – Байрут: Дор ал-фикр, 1984. – Ж. 1. – Б. 53.

¹⁶ Қаранг: Абу Бакр Аҳмад ибн Али ал-Хатиб ал-бағдодий. Ал-Жомеъ ли ахлоқ ар-ровий ва одоб ас-сомиъ. – Риёз: Мактаба ал-маъориф. – Ж. 2. – Б. 201.

¹⁷ Муҳаддислар наздида ровийларнинг жарҳ ва таъдили учун зарур бўлган туғилиш ва ўлим каби воқеа-ҳодисаларни аниқлаш, билдиришга нисбатан ишлатилади. Қаранг: Муҳаммад Сиддиқ Миншовий. Қомус мусталаҳот ал-ҳадис ан-набавий. – Қоҳира: Дор ал-Фазила, нашр йили кўрсатилмаган. – Б. 36.

тартибланган (бунда дастлаб исми, отаси ва бобосининг исми «алиф» ҳарфи билан бошланган ровий, ундан кейин исми, отаси исми «алиф», бобосининг исми эса «бо» ҳарфи билан бошланган ровийлар келтирилган).

«ат-Тарих ал-кабир»да Муҳаммад исмли ровийлар бошқалардан аввал, яъни китоб бошида келтирилган бўлиб, бу муаллифнинг Пайғамбар (с.а.в.) исмига бўлган ҳурмати юзасидан экани таъкидланган. Шу билан бирга, Имом Бухорий ҳар бир исм учун очилган боб аввалида саҳобийларга тўхталиб ўтган. Бунга уларнинг ҳадис илмида тутган ўрни сабаб бўлган, дейиш мумкин. Муҳаддис бир исмли ровийлар камида икки нафарни ташкил қилган ўринларда улар учун алоҳида боб очган.

Имом Бухорий ровийлар тўғрисидаги маълумотларнинг кўплиги ҳамда бунинг натижасида асарнинг кенгайиб кетиши мумкинлигидан келиб чиқиб, уларни биографияси зикр этилаётган кишини «мажҳул» (кимлиги маълум бўлмаган киши) даражасига туширмайдиган даражада қисқартиради. Шу билан бирга, муҳаддисларнинг ровийлар тўғрисидаги фикрларини жамлаб, уларни таҳлил қилади ва ихтилофли қарашлар орасидан ишончлисини белгилайди.

Асарда ҳадис исноди тўғрисидаги маълумотлар билан биргаликда, ровийларнинг ривоятлари ҳамда «иллатли» ҳадислар ҳам келтирилиб, улардаги тушунарсиз сўз ва иборалар шарҳланган бўлиб¹⁸, бу унинг ҳадислар «иллати»ни билишга доир манбаси сифатида аҳамият касб этишига сабаб бўлади.

Ҳозирги кунда «ат-Тарих ал-кабир»нинг 11 та қўлёзма нусхаси маълум бўлиб, улар дунёнинг турли кутубхоналарида сақланади. Манба мазкур нусхалар асосида 1941-1964 йиллар оралиғида Доктор Муҳаммад Абдулмуинхон таҳрири остида илмий жамоа томонидан 9 жилдда нашр этилган¹⁹. Кейинчалик ушбу нашр асосида, китоб 1974 йилда Байрутда²⁰ ва 1986 йилда Қоҳирада²¹ қайта нашр этилган. Мустафо Абдулқодир Аҳмад Ато томонидан асар таҳқиқ қилиниб, 2001 йилда Байрутда нашр этилди²².

Манба жуда кўп муҳаддислар томонидан ривоят қилинган бўлиб, улар орасида Абулҳасан Муҳаммад ибн Саҳл ибн Курдий Басрий Фасовий (ваф. 304/916 й.), Аҳмад ибн Абдулваҳоб ибн Муҳаммад ибн Мусо Ғундажоний (ваф. номаълум), Жалил Абулҳасан Абдулҳақ ибн Абдулҳолик ибн Аҳмад ибн Абдулқодир ибн Муҳаммад ибн Юсуф (ваф. номаълум) кабилар бор²³.

Имом Бухорий асарни ёзишда устозларининг китобларига эмас, балки ровийлар, «жарҳ ва таъдил» ҳамда «илал ал-ҳадис»га оид ривоятларига

¹⁸ Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. Ат-Тарих ал-кабир. – Ҳайдаробод: Доира ал-маориф ал-усмония, 1941-1964. – Ж. 1. – Б. 360.

¹⁹ Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. Ат-Тарих ал-кабир. – Ҳайдаробод: Доира ал-маориф ал-усмония, 1941-1964. - 9 ж.

²⁰ Бухорий, Муҳаммад ибн Исмоил. Ат-Тарих ал-кабир. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1974. – 8 ж.

²¹ Бухорий, Муҳаммад ибн Исмоил. Ат-Тарих ал-кабир. – Қоҳира: ал-Форук ал-ҳадиса лит-тибоа ван-нашр, 1986. – 11 ж.

²² Бухорий, Муҳаммад ибн Исмоил. Ат-Тарих ал-кабир. - Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2001. – 9 ж.

²³ Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. Ат-Тарих ал-кабир. – Ҳайдаробод: Доира ал-маориф ал-усмония, 1941-1964. – Ж. 1. – Б. 11.

асосланган. Буни «ат-Тарих ал-кабир»да бирор китобдан маълумот олингани тўғрисида қайд мавжуд эмаслиги ҳам тасдиқлайди. Манбанинг ровийлар исми, куня ва лақабларига оид манбавий асослари сифатида муҳаддислардан Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Абсий, Мусаддад ибн Мусрахад, Абдуллоҳ ибн Солиҳ кабиларнинг, ровийлар табақасига оид манбалари қаторида эса Суфён Саврий, Шуъба, Ибн Муборак ва Али ибн Мадинийнинг ривоятларини келтириш мумкин. Ровийларнинг яшаган жойларига доир манбалари қаторида Ҳорун, Али ибн Мадиний, Муҳаммад ибн Исҳоқ каби муҳаддис устозларининг, «жарҳ ва таъдил»га тааллуқли асослари сифатида эса, Яҳё ибн Саид Қаттон, Али ибн Мадиний, Аҳмад ибн Ҳанбал, Суфён ибн Уяйна, Абдурахмон ибн Маҳдий, Абдуллоҳ ибн Муборак ва Яҳё ибн Маин кабиларнинг ривоятларини келтириш мумкин. Имом Бухорийнинг «илал ал-ҳадис»га оид манбалари сифатида эса, Яҳё ибн Маин, Али ибн Мадиний ва Аҳмад ибн Ҳанбал каби устозларининг бу борадаги қарашларини зикр этиш мумкин.

Диссертациянинг «Имом Бухорийнинг «ат-Тарих ал-кабир» асарида «жарҳ ва таъдил» илмининг ёритилиши» деб номланган иккинчи бобида Имом Бухорий томонидан қўлланилган ровийлар «жарҳ ва таъдил»ига оид атамалар аниқланиб, уларнинг қўлланишига доир муаллиф услублари таҳлил қилинган. Шу билан бирга, асарда «жарҳ» ёки «таъдил» қилинган ровийларнинг ривоятлари «сиҳоҳи ситта» тўпламларига киритилгани ҳам ўрганилиб, бу орқали манбанинг муҳаддислар қарашларига таъсири баҳоланган.

«Ат-Тарих ал-кабир»да ровийлар منكر الحديث – (мункар ал-ҳадис – ҳадиси инкор этилган), متروك الحديث (матрук ал-ҳадис – ҳадиси тарк этилган), سكتوا عنه (сакату анҳу – у ҳақида сукут қилишган), فيه نظر (фиҳи назар – у ҳақида турли қарашлар бор), يتكلمون فيه (ятакалламуна фиҳи – у ҳақида салбий нарсаларни айтишгади), ليس بالقوي (лайса бил-қавий – кучли эмас), ليس بذاك (лайса бизока – бундай эмас), ضعيف (заиф), ليس بشيء (лайса бишай – бирор нарсага арзимади), عنده عجائب، صاحب عجائب (индаху ажоиб, соҳибу ажоиб – унинг ажойиб ривоятлари бор), ذاهب الحديث (зоҳиб ал-ҳадис – ҳадиси тарк этилган), كذاب (каззоб – ёлғончи) ва لَيِّن (лаййин – мулойим) каби атама ҳамда «қадарий», «хорижий», «муржий», «зиндиқ», «шиа» ва «муътазилий» бўлгани тўғрисидаги қайдлар воситасида «жарҳ» қилинган.

Асарда «мункар ал-ҳадис», «матрук ал-ҳадис», «сакату анҳу», «зоҳиб ал-ҳадис» ва «каззоб» деб баҳоланган ровийларнинг ривоятлари «сахих» ёки «ҳасан» даражасига етмайди. «ат-Тарих ал-кабир»да ровийлар орасидан «фиҳи назар», «ятакалламуна фиҳи», «лайса бил-қавий», «лайса бизока», «заиф», «лайса бишай», «соҳибу ажоиб» ва «лаййин» каби атамалар билан «жарҳ» этилган ровийларнинг ривоятлари Имом Бухорий «ал-Жомеъ ас-сахих»даги «сахих» ҳадис шартларига жавоб бермаса-да, «сиҳоҳи ситта» муаллифлари наздида «сахих» ёки «ҳасан» деб баҳоланиши мумкин. Ушбу атамаларнинг ишлатилиши юзасидан муҳаддислар турли фикр билдиришган. Масалан, муҳаддис Саховий «Фатҳ ал-муғис»да Имом Бухорийнинг «сакату анҳу» ва «фиҳи назар» ибораларини қўллашига оид методига тўхталиб,

уларни «ҳадиси тарк этилган ровий»га нисбатан ишлатгани тўғрисидаги қарашни илгари суради²⁴. Тадқиқот давомида «ат-Тарих ал-кабир»да «сақату анху» деб баҳоланган ровийлар ривоятлари Имом Термизий, Ибн Можа каби муҳаддислар «сунан»ларига киритилгани аниқланиб, Саховийнинг қарашини асосли эмаслигини кўрсатди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур ибора билан «жарҳ» этилган ровийларнинг ривоятлари Имом Бухорий томонидан «заиф» деб қабул қилиниши уларни рад этиш учун асос ҳисобланмайди. Балки, улар орасида «ҳасан» даражасига етиши мумкин бўлганлари ҳам мавжудлигини инобатга олиш лозим.

Имом Бухорий ровийларнинг ишончилиги даражасини кўрсатиш учун асарда «ثقة» (сиқа – ишончли), «صديق» (садуқ – тўғрисиўз), «ثابت» (сабт – собит, қатъий), «صالح» (солиҳ – солиҳ, яхши хулқли), «حافظ» (ҳофиз – кучли хотира эгаси), «مرضيا» (марзиян – рози бўлинган), «معروف الحديث» (маъруф ал-ҳадис – ҳадиси маълум) ва «لا بأس به» (ла баъса биҳи – унинг бирор ёмон жиҳати йўқ) каби атамалардан фойдаланган. «ат-Тарих ал-кабир»да «таъдил» қилинган ровийлар 107 нафарни ташкил қилади. Шу билан бирга, асарда 13 мингдан зиёд ровий тўғрисида «жарҳ ёки таъдил» ҳақидаги ҳукм келтирилмаган бўлиб, уларнинг муҳаддис наздидаги даражаси тўғрисида турли фикрлар билдирилган. Али ибн Муҳаммад Фосий (562-628/1167-1230 йй.), Абдуллоҳ ибн Юсуф Жадийъ (1959 й.т.) ва Амр Абдулмунъим Салим (1967 й.т.) каби муҳаддис ва замонавий тадқиқотчилар буни ровийнинг «мажхул»лигини англатишини таъкидлашган²⁵. Ушбу қараш муҳаддис Абдуллоҳ ибн Аҳмад Ярбуий Ишбилининг ривоятига асосланган бўлиб, унда Имом Бухорий «ат-Тарих ал-кабир»да «ким ҳақида жарҳни баён қилмаган бўлсам, у эҳтимоллидир. Агар биров ҳақида «фиҳи назар» деган бўлсам, у эҳтимолли эмас», – дейди²⁶. Аммо ушбу қайд асарнинг бугунги кунгача етиб келган кўлёмаларида учрамайди.

Абдулфаттоҳ Абу Ғудданинг муҳаддислардан Мунзирий, Заҳабий, Ибн Қаййум, Ибн Абдулҳодий, Зайлаий, Ибн Касир, Заркаший, Ҳайсамий ва Ибн Ҳажар кабилар Имом Бухорийнинг ровийлар тўғрисида ҳукм бермагани уларнинг муҳаддис наздида ишончли ҳисобланганини англатади, деб шарҳлашгани тўғрисидаги қайди²⁷ ҳам мавжуд бўлиб, бу биринчи қарашни инкор этади. Мазкур икки қарашдан қайси бири тўғри эканини аниқлаш мақсадида Ибн Адийнинг «Асомий ман рова анҳум Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий мин машойихиҳ фи жомииҳи ас-саҳиҳ» (Имом Бухорий «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ»да ривоят қилган устозларининг исмлари) номли асарида

²⁴ Саховий, Муҳаммад ибн Абдурахмон. Фатҳ ал-муғис бишарҳ алфия ал-ҳадис лил-Ироқий. – Қоҳира: Мактаба ас-сунна, 2003. – Ж. 2. – Б. 126.

²⁵ Қаранг: Абдуллоҳ ибн Юсуф Жадийъ. Таҳрир улум ал-ҳадис. – Байрут: Муассаса ар-райён лит-тибоа ва ан-нашр ва ат-тавзий, 2003. – Ж. 1. – Б. 507; Абдулҳай Лакнавий. Ўша асар. – Б. 233; Амр Абдулмунъим Салим. Тайсир улум ал-ҳадис ли ал-мубтадийн. – Қоҳира: Ал-Форук ал-ҳадисия лит-тибоати ван-нашри, 2000. – Б. 164-165.

²⁶ Қаранг: Миззий, Юсуф ибн Абдурахмон ибн Юсуф. Таҳзиб ал-камол фи асмоир-рижол. – Байрут: Муассаса ар-рисола, 1980. – Ж. 18. – Б. 265.

²⁷ Қаранг: Абдулҳай Лакнавий. ар-Рофъу ва ат-такмил фи ал-жарҳ ва ат-таъдил. – Ҳалаб: Матба ал-матбуот ал-исламия, 1987. – Б. 230-232

зикр этилган 296 нафар ровийдан дастлабки 80 нафари танлаб олиб, уларнинг «ат-Тарих ал-кабир»да «жарх» ёки «таъдил» билан зикр этилиши ўрганилди. Натижада, Имом Бухорий улардан 51 нафарини китобга киритгани ва «жарх» ёки «таъдил» қилмагани аниқланди. Хулоса сифатида айтиш мумкинки, иккинчи фикр асосли бўлиб, Имом Бухорий бир хил исмли икки ровий мавжуд бўлмаган ёки бошқа муҳаддислар томонидан «жарх» этилмаган ўринларда ровийларга нисбатан бирор ҳукм бермаган.

Диссертациянинг «Имом Бухорийнинг иллатли ҳадисларни ажратиш услублари» деб номланган учинчи бобида муҳаддиснинг «иттисол ас-санад»га оид усуллари, ҳадислар иллатини белгилашда «тафарруд ар-ровий»нинг ўрни ҳамда «мушкил ал-ҳадис» борасида тутган йўли таҳлил қилинган.

Имом Бухорийнинг «иттисол ас-санад»га доир қарашлари бошқа муҳаддисларникидан фарқ қилиб, унга кўра иснодни узлуксиз деб топиш учун ровийнинг ривоят занжирида ўзидан юқорида турган киши билан учрашгани тўғрисида ишончли маълумот бўлиши шарт қилинади. Бу ҳақида тўхталган Ибн Салоҳ ва Ибн Ҳажар каби муҳаддислар Имом Бухорий «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ»ни тузишда «иттисол ас-санад»га алоҳида эътибор қаратиб, уни саҳиҳ ҳадис шартларидан, деб ҳисоблагани ҳамда ровийларнинг юзма-юз кўришгани тўғрисида далил мавжуд бўлгандагина иснод занжирини узилишсиз, деб тасдиқлаганини қайд этишган²⁸.

